*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 242 (8482). ● 18 декабрь, 1984 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

# К. У. ЧЕРНЕНКО

## МЕНГИСТУ ХАЙЛЕ МАРИАМ билан суҳбатлашди

17 декабрь куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко Эфиопия ишчи партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, социалистик Эфиопия мувaққат ҳарбий маъмурий кенгашининг раиси Менгисту Хайле Мариам билан учрашди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев қатнашди.

Суҳбат чоғида Совет-Эфиопия ҳамкорлигининг, Африкадаги вазиятнинг баъзи бир масалалари ҳамда иккала томонни қизиқтирувчи бошқа бир қанча халқаро проблемалар хусусида самарали равишда фикрлашиб олинди. СССР билан социалистик Эфиопия ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома билан мустаҳкамланган Совет-Эфиопия кўп томонлама муносабатлари муваффақиятли ривожланиб бораётганлигидан чуқур мамнуният изҳор этилди.

Узоққа чўзилиб кетган қурғоқчилик натижасида Эфиопия аҳолиси бошига тушган оғир синовларга совет кишилари жуда ачиниб қараётганликларини ҳамда имкони борича зарур ёрдам ва мадад беришга интилаётганликларини К. У. Черненко уқтириб ўтди. Эфиопия ҳукуматининг қурғоқчилик оқибатларини бартараф этиш йўлидаги қатъий ҳаракатларига юқори баҳо берилди. Эфиопия халқи ва раҳбарлари номидан Менгисту Хайле Мариам табиий офатдан азият чеккан эфиоп халқига ўз вақтида берилган беғараз ёрдам учун Совет Иттифоқи ҳукуматига ва халқига чуқур миннатдорчилик изҳор этди.

Менгисту Хайле Мариам Эфиопия ишчи партиясининг шу йил сентябрь ойида бўлиб ўтган таъсис съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида партия қилаётган ишлар ҳақида ахборот берди. К. У. Черненко илмий социализм ғояларига амал қиладиган Эфиопия ишчи партиясининг тузилиши Эфиопия революциясини ривожлантиришда янги босқични бошлаб берганлигини, Эфиопия учунгина эмас, шу билан бирга Африкадаги барча тараққийпарвар кучлар, халқаро революцион ҳаракат учун ҳам муҳим воқеа бўлганлигини уқтириб ўтди. КПСС билан Эфиопия ишчи партиясининг дўстона алоқалари аҳамияти алоҳида таъкидланди ва бу алоқаларни янада ривожлантиришга иккала томоннинг интила бориши билдирилди.

К. У. Черненко билан Менгисту Хайле Мариам иккала мамлакат ўртасида мустаҳкамланиб бораётган иқтисодий ва савдо-сотиқ муносабатларининг аҳамиятини юқори баҳоладилар. СССР билан Эфиопия ўртасида 1984 йил сентябрида имзоланган узоқ муддатли иқтисодий ҳамкорлик программаси шу муносабатларни ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Халқаро вазиятни муҳокама қилиш пайтида К. У. Черненко билан Менгисту Хайле Мариам ҳозирги замоннинг актуал проблемалари хусусида Совет Иттифоқи билан Эфиопиянинг фикрлари бир эканини тасдиқладилар. Улар жаҳон ҳукмронлигига эришиш, қуролланиш пойгасини кучайтириш, суверен давлатларнинг ишларига аралашиш йўлидан бораётган АҚШ агрессив доираларининг сиёсати натижасида дунёдаги кескинлик сақланиб қолаётганлиги борасида ташвиш билдирдилар.

Империализмнинг кирдикорларига зарба бериш, ядро урушининг олдини олиш, ялпи тинчликни мустаҳкамлаш мақсадида барча тинчликсевар кучларни янада жипслаштириш ва уларнинг ғайрат-ҳаракатларини активлаштириш зарурлиги таъкидланди. Шу жиҳатдан олганда, Африкани ядросиз зона деб эълон қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлур эди. Эфиопия Совет Иттифоқининг космосни ҳарбийлаштирмаслик тўғрисидаги ҳамда ядровий қуролсизланиш билан боғлиқ жамики масалалар хусусидаги тинчлик ташаббуслари ер юзи халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушади, деб ҳисоблаб, бу ташаббусларни тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди, деди Менгисту Хайле Мариам.

К. У. Черненко билан Менгисту Хайле Мариам Африка қитъасидаги аҳволни муҳокама қилдилар. Империализм Африканинг озодликка чиққан мамлакатлари сиёсий мустақиллиги мустаҳкамланишига ва иқтисодий мустақилликка эришишига бутун воситалар билан тўсқинлик қилишга интилаётганлиги, Жанубий Африка республикасидаги ирқчиларга ҳомийлик қилаётганлиги, қитъани ялпи сиёсий ва ҳарбий муҳолифлик майдонига айлантиришни кўзлаётганлиги уқтириб ўтилди. Суҳбатдошлар Африкадаги мустақил давлатларнинг бирлигини мустаҳкамлаш империализмнинг мана шу олисни кўзловчи режаларини барбод қилишга қодир эканлигига ишонч билдирдилар. Африка бирлиги ташкилоти ассамблеясининг Аддис-Абебада бўлиб ўтган XX сессияси натижалари шу йўлда қўйилган муҳим қадам бўлди.

К. У. Черненко Совет Иттифоқи Эфиопиянинг Африка Мугузида жойлашган давлатлар ўртасида суверенитетни, территориал бутунликни ўзаро ҳурмат қилиш, чегараларнинг бузилмаслиги, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик ва территориал даъволардан воз кечиш асосида яхши қўшничилик муносабатларини йўлга қўйишга қаратилган куч-ғайратларини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Суҳбат дўстлик, самимият ва тўла ҳамжиҳатлик муҳитида ўтди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси В. В. Шарапов қатнашди.

(ТАСС).

## К. У. ЧЕРНЕНКО К. МИЯМОТО билан учрашди

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко 17 декабрь куни Япония Компартияси Марказий Комитетининг раиси К. Миямото билан учрашди. КПСС билан ЯКП делегациялари ўртасида бўлиб ўтган музокараларнинг якунлари муҳокама қилинди. Ҳар икки томон ана шу музокараларнинг муваффақиятли тугалланганлигидан мамнун эканлигини изҳор этди. Делегациялар тайёрлаган қўшма баёнот маъқулланди, баёнот матбуотда эълон қилинади.

К. У. Черненко билан К. Миямото КПСС билан Япония Компартияси ўртасидаги ҳамкорлик бундан буён ҳам самарали ривожланаверади, деб ишонч билдирдилар.

Ўртоқлик вазиятида ўтган учрашувда совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари А. М. Александров ва В. В. Загладин, Япония томонидан — ЯКП Марказий Комитети секретариатининг раиси М. Канэко, ЯКП Марказий Комитети Президиуми доимий бюросининг аъзоси Х. Татики иштирок этдилар.

ТАСС АХБОРОТИ

## КОСМОСНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ СОҲАСИДАГИ ЯНГИ КАТТА ҚАДАМ

«ВЕГА-1» ПАРВОЗДА

Космик фазони ва қуёш системасидаги планеталарни тадқиқ этиш программасига мувофиқ «Венера — Галлей кометаси» космик лойиҳасининг Совет Иттифоқида яратилган «Вега-1» планеталараро автомат станцияси 1984 йил 15 декабрда учирилди.

Совет олимларининг таклифига биноан ишлаб чиқилган учишнинг кўп тармоқли илмий программасида Венера планетаси билан Галлей кометаси тадқиқотларини ўтказиш кўзда тутилмоқда.

«Вега-1» станцияси учишининг биринчи босқичида туширилувчи аппарат ёрдамида Венера планетасининг атмосферасини, булут қатламини ва юзини ўрганишни ҳамда аэростат зонд ёрдамида Венера атмосферасининг айланишини ва унинг метеорологик параметрларини ўрганишга доир принципиал янги экспериментлар ўтказишни давом эттириш планлаштирилмоқда.

Кейинчалик «Вега-1» станцияси Галлей кометаси билан учрашишга йўналтириладиа ва биринчи марта уни учиб ўтиш траекториясидан бевосита комплекс тадқиқ этади.

Илмий аппаратлар ва асбоб ускуналар комплексини яратишда совет олимлари, конструкторлари, инженер-техник ходимлари ва ишчилари билан бирга Австрия, Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Франция, ГФР ва Чехословакия олимлари ҳамда мутахассислари иштирок этдилар.

«Вега-1» станцияси Ер сунъий йўлдошининг оралиқ орбитасидан планеталараро траекторияга чиқариб қўйилди.

Ўлчов маълумотларига кўра, учиш траекториясининг параметрлари мўлжаллаб қўйилганига яқин «Вега-1» станцияси ичидаги системалар ва илмий аппаратлар нормал ишламоқда.

Станция 1985 йил июнь ойининг ўрталарида Венера чеккаларига етиб бориши ва 1986 йилнинг мартида Галлей кометаси яқинидан ўтиши керак.

## БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН

ДУШАНБЕ, 15 декабрь. (ТАСС). Қадимий Тожикистон диёрида катта байрам бошланди. Республика меҳнаткашлари Тожикистон ССР ва Тожикистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонламоқдалар. Бугун Душанбеда ана шу шонли санага бағишланиб Тожикистон Компартияси Марказий Комитети ва Тожикистон ССР Олий Советининг тантанали мажлиси бўлди.

Ўртоқ К. У. Черненко бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Мажлис аҳли самимий кутиб олган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин нутқ сўзлади.

Мана шу қувончли кунда, — деди нотиқ, мен КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Константин Устинович Черненконинг топшириғини зўр мамнуният билан бажараман. У сизларга, сизлар орқали республика коммунистларига, барча меҳнаткашларига Тожикистон ССР ва Тожикистон Коммунистик партияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги билан самимий қутловлар ва эзгу истаклар топширишимни илтимос қилди.

В. В. Гришин тантанали мажлис иштирокчиларини, Тожикистон ССРнинг барча меҳнаткашларини республика ва Тожикистон Компартиясининг ажойиб юбилейи билан яна бир бор самимий қутлади, партия сиёсатини амалга ошириш учун, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун курашда янги улкан муваффақиятлар тилади.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Набиев доклад қилди.

Мажлисда делегацияларнинг раҳбарлари: РСФСРдан — РСФСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. П. Орлов, Ўзбекистон ССРдан — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Қозоғистон ССРдан—республика Министрлар Советининг Раиси Н. А. Назарбоев, Қирғизистон ССРдан —Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев, Туркманистон ССРдан — Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғ. Ғапуров табрик нутқи сўзладилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига, ўртоқ К. У. Черненкога баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

* * *

ДУШАНБЕ, 16 декабрь. (ТАСС). Тожик халқи олтмиш йил мобайнида ўзи эришган ютуқларни СССР халқлари бирлигининг ҳаётбахш кучи, қардош республикалар олдида коммунистик бунёдкорликнинг улуғвор истиқболларини очиб берган, КПСС ленинча миллий сиёсатининг донишмандлиги билан боғламоқда.

Бугун республика пойтахтининг В. И. Ленин номли бош майдонида Тожикистон ССР ва Тожикистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган байрам намойиши бўлиб ўтди.

Байрам Қизил байроқ орденли Ўрта Осиё ҳарбий округи қўшинларининг ҳарбий паради билан очилди.

Меҳнат ветеранлари, республика юбилейига бағишланган социалистик мусобақа ғолиблари меҳнаткашларнинг байрам колонналарига бошчилик қилдилар. Диаграммалар, шиорлар ва транспарантларда олтмиш йил мобайнида республика эришган ютуқлар, совет халқлари дўстлиги ва ўзаро ёрдамининг бунёдкорлик кучи ўз ифодасини топган. Намойиш қатнашчилари театрлаштирилган эркин кўринишларда тожик халқи ҳаётидаги муҳим тарихий воқеаларни акс эттирдилар.

Республика ишчилар синфининг вакиллари: қурувчилар, мураккаб ускуналарнинг бунёдкорлари, енгил саноат ходимлари байрам колонналари сафида ўтдилар. Республикада маҳсулот ишлаб чиқариш олтмиш йил давомида юз баравар кўпайди. Колонналарни безаган материалларда республиканинг мамлакат халқ хўжалиги ягона комплексига қўшган ҳиссаси, Тожикистон ва мамлакатдаги қардош республикалар меҳнат коллективлари ўртасидаги мустаҳкам алоқа ёрқин ифодаланган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Набиев, Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Г. П. Паллаев, Тожикистон ССР Министрлар Советининг Раиси К. М. Маҳкамов, тантаналарда қатнашаётган қардош республикалар делегацияларининг бошлиқлари байрам қатнашчиларини табрикладилар.

# ЮКСАК МУКОФОТ МУБОРАК

## ЭСДАЛИК БАЙРОҒИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилган республика социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганлиги, республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планини муваффақиятли бажарганлиги учун Тошкент области ғолиб деб топилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг дипломи ва эсдалик Қизил байроғи билан мукофотланди.

17 декабрь куни Тошкентда тантанали митинг бўлиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев областга эсдалик Қизил байроғини топширди ва нутқ сўзлади.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Чирчиқдаги 160-қурилиш трестининг бригадири Н. И. Ермолаева ва сўзга чиққан бошқа кишилар область меҳнаткашлари партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун сабот билан кураш олиб бораётганликларини қайд этиб ўтдилар. Меҳнат коллективлари ҳозир беш йилликнинг тугалловчи йили марраларини белгилай туриб, ўртоқ К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида сўзлаган нутқида баён этилган йўл-йўриқлар асосида ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан интенсивлашнинг қўшимча резервларини қидириб топмоқдалар. Саноат корхоналарида иш жойларини аттестациядан ўтказиш тобора кўпроқ оммалашмоқда, «Улуғ Ғалабанинг 40 йиллигига — 40 зарбдор ҳафта» шиори остидаги зарбдор вахта кенг қулоч ёзмоқда. Тежалган хомашё ва энергия ресурслари ҳисобидан бир йилда икки кун ишлаб бериш мажбуриятини олган мамлакат илғор корхоналарининг ташаббуси астойдил маъқулланди.

Область дала ва ферма меҳнаткашлари пахта ҳосилдорлигини, суғориладиган ҳар гектар ер самарадорлигини яна ҳам ошириш, Ватанга мумкин қадар кўпроқ чорвачилик маҳсулоти етказиб бериш ниятидадирлар. Қурувчилар беш йилликнинг тугалловчи йилида оширилган мажбуриятларни қабул қилмоқдалар — улар Янги Ангрен ГРЭСида, «Ангренский» кўмир разрезида, Чирчиқ «Электрохимпром» бирлашмасида янги катта-катта қувватларни ишга туширишлари, неча юз минг квадрат метр уй-жойларни, бир қанча маданий-маиший объектларни фойдаланишга топширишлари керак.

Митинг қатнашчилари область меҳнаткашлари эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва кўпайтиришга, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини шараф билан бажаришга интилаётганликларини билдирдилар.

* * *

Республикамиз областларида ҳам Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

Фарғонада бўлиб ўтган тантанали мажлисда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов шонли юбилейни нишонлаш юзасидан ўтказилган республика социалистик мусобақасининг ғолиби бўлган областга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг эсдалик Қизил байроғини топширди.

Наманганда бўлиб ўтган юбилей тантанасида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Ғ. Ҳ. Қодиров областга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг эсдалик Қизил байроғини топширди.

Шунингдек, Хоразм, Андижон, Сирдарё, Бухоро, Самарқанд, Навоий, Қарши, Жиззах областларида ҳам юбилей тантаналари бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ).

24 ФЕВРАЛЬ — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

## МУНОСИБ КИШИЛАР КЎРСАТИЛМОҚДА

Ўзбекистонда ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари составига вакиллар кўрсатиш давом этмоқда.

Тошкент грампластинкалар заводининг партия ташкилоти шу корхона пресс цехининг бригадири Елена Павловна Масловани Тошкент шаҳридаги 14-Урицкий сайлов округининг сайлов комиссияси составига тавсия этди. Сурхондарё область Қумқўрғон районидаги «Пахтакор» совхозининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари партиясиз механизатор Абдуғаффор Остонақуловни 370-Қумқўрғон сайлов округи сайлов комиссияси составига кўрсатдилар. Андижондаги 21-ўрта мактаб ходимлари коллективи ўқитувчи Мақсудахон Рустамовани 121-Панфилов сайлов округининг сайлов комиссияси составига ўз вакили этиб кўрсатди. Андижондаги 3-пахта тозалаш заводи коллективи токарь Дилмурод Эргашевни 118-Калинин сайлов округининг сайлов комиссиясига якдиллик билан ўз вакили этиб кўрсатди.

(ЎзТАГ).

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

## А. И. ЧУДНАЯНИНГ ИЗДОШИ

**Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг «Красний водопад» тажриба базасидан машинада сут соғувчи Латифа Эргашева меҳнатда ғалаба қозонди. У йил бошидан буён 172 бош сигирнинг ҳар биридан 4,6 минг килограмм сут соғиб олиб, йиллик планни ошириб бажарди.**

**Унинг мураббияси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони СССР давлат мукофотининг лауреати А. И. Чудная Латифанинг муваффақиятидан хурсанд бўлди. Л. Эргашева фермага 25 йил муқаддам келган эди. Доно ва саҳий мураббия — Анастасия Ивановна у билан ёнма-ён ишлаганлиги учун Латифа шу ерда доимий қолиб кетди. Эргашева мамлакатнинг донгдор сут соғувчисидан меҳнатсеварлик ва маҳорат мактабини ўтди, ўз касбининг икир-чикирларини ўрганиб олди.**

**Ҳозир Анастасия Ивановна республика илғор тажриба мактабининг директоридир. Фермада Латифа унинг ўрнини эгаллади. У 172 бош сигирни боқмоқда. Моҳир чорвадор шу сигирларнинг ҳар биридан кунига 13—14 килограмм сут соғиб олмоқда. Тажриба ва молларни тўғри парвариш қилиш унга қиш мавсумида ҳам ана шундай юқори кўрсаткичларга эришиш имконини бермоқда.**

**Латифа йил бошидан буён жами 744 тонна сут соғиб олди. У декабрь ойининг охиригача яна 34 тонна сут соғишга қарор қилди.**

**(ЎзТАГ мухбири).**

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Оҳангарон район комитетининг биринчи секретари ўртоқ Карим **Икромов**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

## В. И. ЛЕНИННИНГ ТАНЛАНГАН АСАРЛАРИ

В. И. Лениннинг 10 томлик танланган асарлари иккинчи томи босмадан чиқди. Бу томда 1899 йилда нашр этилган «Россияда капитализмнинг ривожланиши» асари бор. Лениннинг «Танқидий бўлмаган танқид» мақоласи ҳам томга киритилган. Бу мақола «легал марксистлардан» бирининг мазкур китобга ёзган тақризига жавоб бўлган эди.

Аср бошидаёқ ушбу асарда ривожлантирилган ва асослаб берилган марксизм қоидалари ҳозирги вақтда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Лениннинг пролетариат гегемонияси, ишчи ва деҳқонлар иттифоқи ғоялари халқларнинг демократия, миллий озодлик учун, социализм учун курашида дастурул амалдир.

Китобни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти тайёрлаган ва Сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарган.

(ТАСС).

## ПАРТИЯНИНГ ИДЕОЛОГИК ИШИ

**Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарган «Халқнинг жонли ижодкорлиги» китобчаси КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг «Ривожланган социализмни такомиллаштириш ва КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми қарорлари асосида партиянинг идеологик иши» мавзуидаги Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси қатнашчиларига йўллаган табрикномаси билан бошланади. Унда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. С. Горбачевнинг шу конференция қатнашчилари ҳузурида 1984 йил 10 декабрида қилган доклади эълон қилинган.**

**(ТАСС).**

## СССР НАРХЛАР ДАВЛАТ КОМИТЕТИДА

СССР нархлар давлат комитети СССР Министрлар Советининг қарорларига мувофиқ, 1984 йил 17 декабрдан бошлаб, халқ истеъмол моллари қуйидаги турларининг давлат чакана нархлари арзонлаштирилганлигини маълум қилади:

| | нархлар арзонлаштирилиши проценти (ўрта ҳисобда) |
|---|---|
| Қоракўлдан тайёрланган бош кийимлар | 25 |
| Қоракўл пальтолар | 15 |
| Жун газламаларнинг айрим турлари | 30 |

## СЎНГГИ СОАТДА

● **БЕРЛИН**

Совет Иттифоқи гитлерчилар фашизми устидан қозонган Ғалабанинг ва немис халқи озод этилганлигининг 40 йиллигини ГДРда байрам қилишга тайёргарлик республикадаги энг оммавий ташкилотлардан бири —герман-совет дўстлиги жамиятининг фаолиятини белгилаб бермоқда. Шу жамиятнинг Берлин округ ташкилоти муштарак ишга муҳим ҳисса қўшмоқда. Ташкилот шонли санага бағишлаб бир қанча тадбирларни белгилади.

«Ғалабанинг 40 йиллигига 40 та чинни гул» махсус программасига мувофиқ пойтахт меҳнаткашларининг совет халқи намояндалари — уруш ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш новаторлари, олимлар, маданият арбоблари, жамоат ташкилотлари вакиллари билан кўплаб учрашувлари ўтказилади. Герман-совет дўстлиги жамияти иккинчи жаҳон урушида совет халқи ҳалоскорлик миссиясининг жаҳоншумул-тарихий аҳамияти тўғрисида, унинг ҳозирги вақтда тинчлик учун олиб бораётган кураши ҳақида ҳикоя қилувчи кинокўриклари ва лекцияларни ҳам ташкил этади. Ғалаба юбилейига бағишланиб, «Тинчлик, дўстлик — ҳаёт қувончи» шиори остида халқ ижодкорлиги кўргазмалари уюштирилади.

● **КОБУЛ**

Афғонистон пойтахтида Афғонистон халқ демократик партияси ташкил этилган кунга 1985 йил январь ойида 20 йил тўлишига бағишланган бадиий кўргазма очилди. АДР санъат ходимлари иттифоқи ташкил этган бу кўргазмага ҳозирги афғон рассомларининг чизган — 200 га яқин энг яхши суратлари, расмлари, ҳайкалчалари қўйилган. Ёш республика санъат усталарининг асарлари Апрель революцияси ғалабасидан кейин Афғонистон эришган ютуқларни, янги ҳаёт барпо этаётган халқнинг меҳнат ва жанговар қаҳрамонлигини акс эттирган.

● **АККРА**

Гана пойтахтидаги китоб магазинлари ва дўконлари пештахталарида пайдо бўлган янги ҳафталик газета «Таргет» деб аталади. Янги нашрнинг вазифаси, деб таъкидланади редакцион мақолада,— барча ганаликларни тўлқинлантираётган воқеалар тўғрисида мамлакат жамоатчилигини хабардор қилишдан, оммани сиёсий жиҳатдан маърифатли қилиш ишига ҳисса қўшишдан иборатдир. «Таргет» газетасида Ганадаги социал-иқтисодий тараққиёт ва маданий қурилиш масалаларини ёритишга катта ўрин берилади.

(ТАСС).

